

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирининг 2006 йил 10
феврал 84-сонли буйруғи
билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги

НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 декабр Р-2415 сонли фармойишини бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2006 йил 12 январда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси бюджетини ва 2006 йилга болалар спорт объектларини қурилиши бўйича адрес дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги» йиғилиш Баённомасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларининг (кейинги жойларда — спорт иншоотлари) тоифаларини, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишни белгилаб беради.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари эгалари, ҳамда улар устидан назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушанчалардар фойдаланилади:

спорт иншоотлари – спорт турлари бўйича спорт мусобақаларни, ўқув-машқ жараёнини, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва кўнгили-очар тадбирларни ўтказишга, ҳамда аҳолига жисмоний тарбия-соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган, махсус лойиҳа бўйича қурилган ёки ихтисослаштирилган очик ва ёпилган турдаги, тегишли паспорт ва сертификатга эга бўлган иншоотлардир;

спорт иншооти паспорти – спорт иншооти таркибига кирувчи бино ва иншоотларнинг техник ва ишлаб чиқариш қувватларини, уларнинг фойдали майдонларини, техник кўрсаткичларини, ўтказувчанлиги, спорт иншооти эгаси, манзили ва функционал йўналишига боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўзида акс эттирилган ҳужжат;

спорт иншооти сертификати – спорт иншоотидан фойдаланиш тартибини белгилаб берувчи тоифани акс эттирувчи ҳужжат;

спорт иншоотидан фойдаланиш – спорт иншоотидан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар комплекси;

спорт иншоотига хизмат кўрсатиш – спорт иншоотидан самарали ва тўлиқ ишлашни ташкиллаштириш учун зарур моддий, молиявий ва бошқа ресурслар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар комплекси;

Жисмоний тарбия ва спортни ваколатли давлат бошқаруви органи – Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги.

3. Жисмоний тарбия ва спортни ваколатли давлат бошқаруви органи жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларининг техник кўрсаткичларини таҳлил қилиб, уларнинг тоифаларини белгилайди ва ўрнатилган тартибда спорт иншоотларидан фойдаланиш учун паспорт ва сертификатларни беради.

2. Спорт иншоотларининг таснифланиши

4. Спорт иншоотларини таснифланишининг асосий мақсадлари:

таснифланишда кўрсатилган маълумотларни Ўзбекистонда спорт иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда фойдаланиш, спорт иншоотлари тармоғини режалаштириш ва ҳисоблаш кўрсаткичларини аниқлаштиришда қўллаш;

спорт иншоотларини паспортлаштириш ва сертификатлашда уларнинг турини ва тоифасини белгилаш даврида қўллаш;

спорт иншоотларининг кўрсаткичлари ва анжомлар билан таъминланишига кўра, маълум турдаги спорт ёки жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини ўтқизишни белгилаб бериш.

5. Турар жойларнинг режали тизимига қараб спорт иншоотлари кўйидагиларга бўлинади:

микрорайон, маҳалла – микрорайон, маҳалла, бир гуруҳ уйлар ёки алоҳида бир уйнинг аҳолисига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган;

туман – аҳоли турадиган ёки ишлаб чиқариш-аҳоли турадиган туман аҳолисига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган;

туманлараро – бир гуруҳ туманлар аҳолисига хизмат кўрсатадиган;

умумшаҳар – бутун шаҳар ёки қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Спортиншоотларнинг умумий таснифланиши 1-иловада келтирилган

6. Мақсади бўйича спорт иншоотлари спорт - томоша (кўргазма), ўқув-машқ ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш (аҳолининг фаол дам олиши учун мўлжалланган) иншоотларига бўлинади.

Спорт-томоша иншооти – томошабинлар учун махсус трибуналарга ёки каторларга, томошабинлар учун қулай кўринувчанликни ва хавфсиз эвакуация учун шароитлар яратиб берувчи жойларга (ёпиқ иншоотларда 500 та ва ундан кўп жойга, очик иншоотларда 1500 та ва ундан кўп) эга иншоотлар. Буларга стадионлар, спорт саройлари, универсал майдончалар, велодромлар, автомотодромлар, чанғи ва тоғ чанғи стадионлари ва бошқа трибуна, скамейка, ўриндиқлар ва туриб томоша қилиш жойларига эга спорт иншоотлари киради.

Ўқув-машқ иншоотлари – ўқув-машқ жараёнини ўтказишга мўлжалланган иншоотлардир. Ўқув-машқ иншоотларига мактаблар, олий ва ўрта-махсус таълими муассасалари, олий тоифадаги спортчиларни тайёрлаш ўқув-машқ марказлари спорт базалари киради. Томошабинлар учун жойларнинг мавжудлигидан қатъий назар, барча эшкак эшиш, елканли сузиш, чанғи, тоғ чанғиси, ўқ отиш, конкида учиш, от спорти (ипподромлардан ташқари), шахмат ва шашка спорт турларига мўлжалланган иншоотлар ўқув-машқ иншоотларига кирадилар.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотлари – аҳоли орасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини ўтказишга ва фаол дам олишга мўлжалланган иншоотлардир. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари машғулотлар махсус тайёргарликни талаб қилмайдиган ва шуғулланувчилар хаётига ва соғлиғига хавф тўғдирмайдиган барча спорт иншоотларида ўтказилиши мумкин.

7. Ўз меъморий ва тархий хусусиятларига кўра спорт иншоотлари махсус қурилган ва мослаштирилган хилларга бўлинади.

Махсус қурилган спорт иншоотлари – махсус ишлаб чиқилган архитектура лойиҳасига мувофиқ қурилган, қурилиш меъёрлари талабларига жавоб берувчи, махсус ажратилган ер майдонига қурилган иншоотлардир.

Мослаштирилган спорт иншоотлари – спорт иншоотларини қуриш меъёрлари талабларига риоя қилмай қурилган, спорт иншоотига мослаштириб қайта жиҳозланган иншоотлардир.

Шунингдек, спорт иншоотлари алоҳида турган – иншоот биноси алоҳида қурилган, ҳамда бириктирилган – спорт ёки бошқа мақсадлар учун мўлжалланган бино таркибига киритилган бўлишлари мумкин.

Ўзларининг меъморий-тархий ва ҳажмий-конструктив хусусиятларига кўра спорт иншоотлари ҳажмли ёки ясси бўлишлари мумкин. Ҳажмли спорт иншоотларига усти ёпиқ иншоотлар: спорт заллари, Спорт саройлари, ёпиқ бассейнлар ва манежлар киради, ясси спорт иншоотларига – спорт майдонлари ва майдончалари, конькида учиш йўлакчалари, чанғи ва тоғ чанғи трассалари ва бшқ. киради.

8. Барча спорт иншоотлари, уларнинг қувватига қараб алоҳида бир спорт турига мўлжалланган (ихтисослаштирилган заллар, битта ховузга эга бассейнлар, спорт турлари бўйича майдончалар, футбол, регби, чим устида хоккей, от спорти, камондан отиш майдонлари, енгил атлетика ва конькида учиш йўлакчалари, чанғи трамплинлари, велотреклар, от манежлари, ўқ отиш тирлари, ўқ отиш – ов спорти стендлари ва бшқ.) ва мужасамлаштирилган спорт иншоотларига – бир майдонда бир ёки битта бинода жойлаштирилган бир неча алоҳида спорт иншоотдан ташкил топган (стадионлар, Спорт саройлари, бир неча ховузга эга бассейнлар, мужассамлаштирилган майдончалар, кўп залли спорт корпуслари ва шу каби бошқа спорт иншоотлари) спорт иншоотлари га бўлинади

9. Ҳажмий-тархий тузилишига қараб спорт иншоотлари очик ёки ёпиқ хилларга ажратилади.

Очиқ спорт иншоотлари – спорт мусобақалари ва ўқув-машқ машғулоти очик ҳавода ўтказиладиган иншоотлардир.

Ёпиқ спорт иншоотлари – спорт мусобақалари ва ўқув-машқ машғулоти ёпиқ залларда, манежларда, бассейнларда, Спорт саройлари ва бшқ. усти ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган иншоотлардир. Мусобақалар ва ўқув-машқ машғулоти очик ҳавода ўтказилувчи айвонли спорт иншоотлари ёпиқ спорт иншоотлари хилига киради.

10. Ҳар бир алоҳида спортиншооти учта таркибий қисмдаг ташкил топган: асосий иншоот, ёрдамчи иншоот (объект) ва томошабинлар учун мўлжалланган иншоотлар.

Асосий иншоот – бевосита спорт мусобақалари ва ўқув-машқ машғулоти ўтказиладиган иншоот. Асосий иншоотнинг ҳажмий-тархий ўлчамлари, қопламаси, чизиқлари ва жиҳозланганлиги давлат қурилиш меъёрларига, тегишли спорт турлари федерацияларининг спорт мусобақалари ўтказиш қоидалари талабларига, ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозлари ва анжомлари амалдаги табелига жавоб бериши зарур.

Ёрдамчи спорт иншоотлар – спорт мусобақалари иштирокчилари ва ҳуғуланувчиларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган иншоотлар. Ёрдамчи иншоотларга шуғулланувчиларга хизмат кўрсатиш хоналари, инженер-техник хизматлар учун иншоот ва хоналар, хўжалик, маъмурий, тиббиёт хоналари, ҳакамлар учун, ОАВ вакиллари учун, хавфсизлик хизматлари (ёнгиндан сақлаш ва милиция) ходимлари учун ажратиладиган хоналар киради.

Томошабинлар учун иншоотларга – асосий иншоот (спорт ядроси, майдони, зали, бассейн ва хок.) ёнида жойлашган трибуналар (стационар ёки йиғилувчи), ўтириш учун қаторлар (стуллар, ўтирғичлар) ҳамда тик туриб томоша қилиш жойлари ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари (павильонлар, фойе, буфетлар, кафе, хожатхоналар ва ҳ.) киради.

Фақатгина ўқув-машқ ёки жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларини ўтказаш учун мўлжалланган спорт иншоотларда томошабинлар учун махсус жиҳозланган жойлар бўлмайди.

11. Спорт иншоотларининг ҳажмий-тархий тузилишлари бўйича намунавий таснифланиши ва спорт иншоотлари тахминий таркиблари 2- ва 3-Иловаларда келтирилган.

12. Спорт иншоотлари нинг таснифланишидан уларни, тоифасини белгилашда, ҳисобга олишда ва паспортлаштиришда фойдаланилади.

3. Спорт иншоотларидан фойдаланиш

13. Спорт иншоотларидан фойдаланиш унинг паспорти ва сертификатида белгинланган тоифасига қатъиян мувофиқ равишда амалга оширилади.

14. Спорт иншоотидан фойдаланиш тартиби унинг тоифасидан белгиланади. Спорт иншоотининг тоифаси унинг сифатини, халқаро ва давлат меъёрларига ва стандартларига мос келишини аниқлайди.

15. Спорт иншоотлари куйидаги тоифаларга бўлинади:

Олий тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчам ва жиҳозланганлиги миллий ва халқаро мусобақалар (Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионати, Кубоги, биринчилиги, турнирлари) ўтказилишини таъминлаб беради. Иншоот аҳолини жисмоний тарбия билан шуғилланиши учун мўлжалланмаган.

1-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчам ва жиҳозланганлиги республика ва халқаро мусобақалар (жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионати, Кубоги, биринчилиги, турнирлари), ҳамда ўқув-спорт машғулотларини ўтказилишини таъминлаб беради.

2-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчам ва жиҳозланганлиги ҳудудий тоифадаги (республика, вилоят, туман ва шаҳар мусобақалари - чемпионатлар, биринчиликлар, турнирлар ва ш.к.) мусобақаларни ҳамда ўқув-спорт машғулотларини ўтказилишини ва аҳолини жисмоний тарбия билан шуғулланишини таъминлаб беради.

3-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчам ва жиҳозланганлиги оммавий-спорт тадбирларини ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш, ўқув-спорт машғулотларини ўтказишни таъминлаб беради.

4-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчам ва жиҳозланганлиги аҳолини жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва ўқув-спорт машғулотлари ўтказилишини таъминлаб беради. 4-тоифдаги спорт иншоотлари, улардан мақсадли ва унумли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида икки гуруҳга бўлинади: спорт ва ўқув-машқ иншоотлари, ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотлари.

5-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчам ва жиҳозланганлиги спорт турлари орқали (боулинг, биллиард, дартс, картинг ва бошқа спорт турлари) кўнги-очар тадбирлар ва хизматларни ўтказилишини таъминлаб беради.

16. Спорт иншоотларида турли спорт турлари бўйича спорт мусобақалари, ўқув-машқ жараёни, жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларидан ташқари кўнги-очар ва оммавий тадбирлари (шоу, концертлар ва ш.ў.) ҳам ўтказилиши мумкин.

17. Спорт иншоотларида аҳолига жисмоний тарбия, ўқув-спорт машғулотлари ва соғломлаштириш ишлари пуллик хизматлари кўрсатилиши мумкин.

18. Спорт иншоотлари дан фойдаланиш даврида техник, ёнғин ва бошқа хавфсизликни таъминлаш, қонунчиликда белгилан тартибда тасдиқланган меъёрлар ва қоидалар асосида олиб борилади.

Спорт иншоотлари да оммавий-спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари ва уларни ўтказишда даврида хавфсизликни таъминлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Спорт иншооти тўғрисидаги умумий маълумотлар, унинг таркибига кирувчи бино ва иншоотлар техник таснифини белгилайдиган кўрсаткичлар 4-иловада кўрсатилган Спорт иншоотининг паспортида акс эттирилади.

Спорт иншоотининг паспорти иншоотнинг қуввати, унинг таркидаги бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини, уларнинг ишчи ва фойдали майдонларини кўрсатиб берувчи ҳужжатдир.

Спорт иншоотининг паспорти иншоотнинг тоифаси ва асосий иншоотнинг кўрсаткичларига таъсир этувчи архитектура-режа ёки бошқа кўрсаткичларининг ўзгаришигача амал қилади.

20. Спортиншоотининг сертификатини амал қилиш муддати спортиншоотининг тоифасига боғлиқ ҳолда белгиланади. Олий ва биринчи тоифали спорт иншоотлари нинг сертификатлари 4 йил, иккинчи, учинчи ва тўртинчи тоифали спорт иншоотлари нинг сертификатлари икки йил, бешинчи тоифали спортиншоотининг сертификати бир йил амал қилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг спорт иншооти қайтадан сертификациядан ўтказилади ва унга янги сертификат берилади.

21. Техник, ёнғиндан сақлаш ва санитар хавфсизлик меъёрларини бузилиш ҳолларида спорт иншоотидан фойдаланиш маън этилади.

22. Ўн олти ёшга тўлмаган болаларга, ногиронларга, етим болаларга, пенсионерларга, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга жисмоний тарбия-спорт ва соғломлаштириш хизматлари бепул кўрсатилади. 5-тоифадаги спорт иншооти бундан мустасно.

4. Спорт иншоотларига хизмат кўрсатиш

23. Спорт иншоотларини жисмоний тарбия, спорт ва ўқув машқ машғулотлари ва мусобақалар ўтказиш учун зарурий спорт анжомлари, ускуналари ва бошқа спорт-техника воситалари таъминлашда 5-иловада келтирилган табелдан фойдаланиш тавсия этилади.

24. Маълум бир спорт тури учун спорт анжомлари, жиҳозлари, ускуналари ва бошқа технологик воситаларнинг зарурий сони қурилиш меъёрларида белигаланган ўлчамларга, ўтказувчанлик меъёрларига, санитария-гигиена талаблари ҳамда, спорт турлари бўйича халқаро ва миллий федерациялар томонидан тасдиқланган мусобақалар ўтказиш қоидалари талабларига жавоб берувчи спорт иншоотлари учун ҳисобланган. Баъзи ҳолларда спорт турлари бўйича битта машқ қилувчилар ёки бошланғич спортчилар ўқув гуруҳи аъзоларига зарур спорт анжом ва ускуналар рўйхати (спорт турлари федерациялари тақдимотларига мувофиқ ҳолда) тузилган.

25. Коммунал хизматлар учун тўловлар, спорт иншоотини эгаси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Якуний қисм

26. Спорт иншооти эгалари спорт иншоотининг хужжатларини (лойиҳа хужжатлари, эгалик хужжатлари, спортиншооти паспорти ва сертификати ва бшқ. хужжатларни) сақлаш, спорт иншоотидан мақсадли ва унумли фойдаланиш, спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, ҳамда сақлаш, оммавий-спорт, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва ўқув-машқ машғулотларини ўтказишга шароит яратиб беришлари зарур.

27. Спорт иншоотлари дан мақсадли фойдаланилишини назорати Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Ушбу Низомни бузган шахсларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарчиликка тортиладилар.